# Малайзияда Халкаро Куръон танлови



Кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шахрида 59-Халкаро корилар мусобакаси бошланди. Ушбу мусобака Ислом дунёсидаги энг нуфузли танловлардан бири хисобланади. Ўтказила бошланганига эллик йилдан зиёд бўлган бу мўътабар мусобакада бутун дунёдан келган энг кучли хофизи Куръонлар иштирок этиб, хифз (ёд олиш) хамда гўзал тиловат мезонлари бўйича куч синашадилар.

Мусобака катнашчилари учун Малайзиянинг диккатга сазовор жойларига саёхат хамда бошка маданий тадбирлар ташкил килинади. Мусобака 20 майгача давом этади.